


OILA DAVTRASIDA

№ 41 (386)
2019 - yil
3 - oktabr
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.



Гўшт молдан
ҚИММАТМИ?

3-бет

КИТОБЛАРНИНГ ЧЕКСИЗ ДУНЁСИ

«Tashkent Book Fest - 2019»
биринчи халқаро китоб
кўргазмаси бошланди



ҚҚС КАМАЙДИ,
нархлар пасаядими?

4-бет

**«КАНАЛ» ТАЛАШГАН
КАТТАЛАР**

5-бет



Арзимас сабабдаги
КАТТА ХАВФ

6-бет

uzkitob.uz

«O'ZDAVKITOBSAVDOTA'MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй
Tel.: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

Энг сара
китоблар
ассортименти

КИТОБЛАРНИНГ ЧЕКСИЗ ДУНЁСИ

Бу халқаро кўрғазма-ярмаркани дарровгина ёки бир-икки соатда, шунчаки бир айланги томоша қилишнинг сира оловчи йўқ. Унда китобларнинг мўъжизакор уммонига шўнғиб кетиш, миллий адабиётимиз даргаларининг ажойиб суҳбатидан баҳра олиш, ноширлар, матбаачилар, кутубхоначилар фаолиятидан тўлақонли хабардор бўлиш учун кенг имкониятлар яратилган.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан ташкил этилган «Tashkent Book Fest – 2019» биринчи халқаро китоб кўрғазма-ярмаркаси стендларини айланган ҳар бир инсонда шундай таассуротлар пайдо бўлиши шубҳасиз.

Давлатимиз раҳбари томонидан ҳаётга изчил жорий этилаётган Ҳаракатлар стратегияси ҳамда ёш авлод маънавий-ахлоқий тарбиясига доир бешта муҳим ташаббусга мувофиқ китоб тарғиботида оид ишларни замон талаблари асосида йўлга қўйиш, шу орқали халқимиз маънавиятини юксалтириш, электрон ва аудио китоблар яратиш, китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга ижтимоий аҳамиятга эга бўлган наشرларнинг чоп этилиши бўйича мақсадли дастурларни тайёрлаш ва ижросини таъминлаш, хорижда Ўзбек тили ва адабиётини кенг тарғиб қилиш, нашриётларга қўмақлаштириш, ноширлик ва матбаачилик йўналишидаги техник-технологик базани ривожлантириш, уларни замонавий жиҳатдан янгиллаш, тегишли минтақавий, хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Ўзэкспомарказ» миллий кўрғазмалари мажмуасининг мухташам павильонида бошланган «Tashkent Book Fest – 2019» биринчи халқаро китоб кўрғазма-ярмаркасида бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилиш мумкин. Маҳабатли бу маскандаги кўрғазма-ярмарка ғоят ранг-баранг, кизикарли, турфа стендларга бой, ҳар бир томошабинни шошириб қўйиши билан диққатга сазовордир.

Кўрғазма-ярмарка китоб ва мутолаани тарғиб этиш, жаҳон босма санъати тажрибасини ўрганиш, нашриётлар, китоб



тарқатувчилар, ахборот-кутубхона масканлари, китоб-мутолаа масалаларига масъул ташкилотлар ўртасида халқаро алоқаларни ўрнатиш каби мақсадларни кўзлайди. Бу ерда юртимизнинг нашриётлари, кутубхоналари, китоб тарқатишга масъул ташкилотлари билан бирга Буюк Британия, Россия, Германия, Қозоғистон, Жанубий Корея, Қирғизистон, Туркия каби давлатларнинг нашриётлари фаолияти билан ҳам яқиндан танишиш мумкин. Айни пайтда Хитой, Эрон, Индонезия, Озарбайжон ва бошқа бир қатор хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари, маданият марказлари, маърифий масканлари томонидан тақдим этилган илмий-оммабоп адабиётлар, кизикарли нашрлар билан танишиш имконияти бор.

Тошкентда бундай халқаро китоб кўрғазма-ярмаркасининг биринчи марта ташкил этилаётгани жуда ажойиб ғоя, — деди Россия китоб ноширлари ассоциацияси президенти Константин Чеченов. — Бу кўрғазма-ярмарка китоб-ноширлик ишига масъул бўлган ташкилотлар, нашриётлар билан кенгрок танишиш, уларнинг фаолиятини ўрганиш, соҳадаги ҳамкорликни тобора мустаҳкам йўлга қўйишда жуда аҳамиятлидир.

Қирғизистоннинг «Аркус» нашриёти мактаб таълими учун ўқув адабиётлари, услубий қўлланмаларни чоп этиш бўйича ихтисослашган. Мазкур нашриёт кўрғазма-ярмаркада юздан ортик ўқув адабиёти билан иштирок этмоқда.

— Ўзбекистон кейинги уч йил мобайнида очик мамлакатга айланди, — деди «Аркус» нашриёти-

нинг раҳбари Иван Фадин. — Биз мамлакатингизнинг ноширлик бозорини атрофлича таҳлил этиб, уни пухта ўрганмоқчимиз. Назаримда, юртингиз полиграфик бозори ғоят катта ва ранг-баранг. Айнан бу жиҳати биз учун ғоят кизикарлидир.

Дарҳақиқат, ноширлик, китоб тарғиботи ишининг нечоғли пухта йўлга қўйилгани ушбу кўрғазма-ярмарка орқали ҳам яққол намоён бўлмоқда. Бу ерда мамлакатимиздаги турли нашриётларнинг, кутубхоналарнинг фаолиятига батафсилроқ назар ташлаш мумкин.

Кўрғазма-ярмарка экспозициясидаги яп-янги китоб савдоси ва тарғиботини жойларда амалга оширувчи автобус — библиобус ҳеч кимни бефарқ қолдирмапти. Уни кўчма кутубхона, деб ҳам аташ мумкин. Библиобусдаги бадий, маърифий адабиётлардан кўз қувнайди. «Ўздакитобсавдо-таъминот» масъулияти чекланган жамияти менежери Рухсорой Маҳамметованинг айтишича, жорий йилнинг апрель ойида илк сафарини Наманган вилоятига амалга ошириб, янги-янги китоблар тарғиб этилган. Ҳозирга қадар 110 нашриётнинг мингдан ортик китоби халққа етказилган.

Кўрғазма-ярмарканинг биринчи кунда кизикарли тақдимотлар, ёзувчи-шоирлар, адабиётшунос олимлар билан учрашувлар, ўқувчи-ёшлар учун виртуаллар, ижодий танловлар, бадий ижодиёт бўйича маҳорат дарслари бўлиб ўтди.

Мазкур кўрғазма 4 октябрда қадар давом этади.

Назюкат УСМОНОВА,
ЎЗД

Хамкорлик

ПАРЛАМЕНТДА МУҲИМ УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида 2 октябрь куни Сенат Раиси Танзила Норбоеванинг Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенко билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқотда кейинги йилларда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Президенти Владимир Путиннинг сиёсий ирозаси ва қатъий саъй-ҳаракати туфайли Ўзбекистон — Россия стратегик ва иттифоқчилик муносабатларида янги босқич бошлангани таъкидланди.

Икки томонлама сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқалар суръати муттаасил ошиб бормоқда. Бу икки мамлакат манфаатларига тўлиқ жавоб беради. Томонларнинг интилиши, давлат раҳбарларининг ўзаро ташрифлари мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ишонччи янада мустаҳкамлади, икки томонлама ҳамкорликнинг деярли барча йўналишларини ривожлантиришга қучли туртки берди.

Тадбирда бундан бунён ҳам Ўзбекистон билан Россия ўртасида узвий парламентаро мулоқотни таъминлаш зарурлиги билдирилди. Ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, икки томонлама шартнома ва битимларни ратификация қилиш масалаларини жадаллаштириш соҳасида тажриба алмашиш дастурларини амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Ислохот

ЎҚУВЧИЛАРГА ЯНА БИР ИМКОНИЯТ

Эндиликда ўқувчилар ясаган буюмлар ўз харидорига эга бўлади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Унга қўра, ўқувчи-ёшларнинг ижодий ишларини омаллаштириш, шу жумладан, дунё бозорига миллий анъаналаримиз асосида «Баркамол авлод» болалар мактабларининг тўғарак аъзолари томонидан яратилган маҳсулотларни олиб чиқиш мақсадида «Art shop» электрон дўконларини ташкил этиш ва сотувини йўлга қўйиш назарда тутилган.

Шунингдек, қарорда болалар техник ижодкорлигини ривожлантириш учун хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари асосида «Баркамол авлод» болалар мактабларида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида «Болалар технопарки» лойиҳаларини ташкил этиш ҳамда мактабдан ташқари таълим муассасаларининг бўш турган бино ва ер майдонларидан самарали фойдаланишни таъминлаш учун давлат-хусусий шериклик шартлари асосида мақсадли лойиҳаларни амалга ошириш таъкидланган.

Мулоқот

МАДАНИЯТ МАСКАНЛАРИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДАМИ?

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигида «Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда маънавиятини юксалтиришда маданият марказлари ва музейлар фаолиятининг ўрни» мавзусидаги мулоқотда шу масала муҳокама қилинди.

Бунга ўз фикрини билдирган Қамолитдин Бехзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институти музейшунослик кафедраси муdiri Катута Нишоновна айнан шу олий даргоҳни битирган мутахассисларга юқори талаб қўйилаётганини, улардан бир вақтнинг ўзига хорижий тилларни билиш, компьютер саводхонлиги ҳамда фотографияни тушуниш, ҳужжатлар билан ишлаш кўникмаси билан бирга юридик билимга эга бўлиш ҳам талаб қилинаётганини айтиб ўтди. Шулардан келиб чиқиб, мазкур олий ўқув юртида айни пайтда таълимнинг янада чуқурлаштирилган услублари жорий қилинмоқда.

Маданият марказлари ва музейларга ёшларнинг ташири қай даражада йўлга қўйилган? Мавжуд аҳволни яхшилаш учун нималар қилиш керак? Соҳа мутахассислари шу ва шунга ўхшаш саволларга жавоб берди.

ҚУЛАЙЛИК

ХАЛҚҚА ЯҚИН ХИЗМАТЛАР

Тошкент вилояти Зангиота тумани аҳолиси давлат хизматларидан фойдаланишда ҳеч қандай муаммоларга учрамайдиган бўлиши. Туманда давлат хизматлари марказининг янги маъмурий биноси фойдаланишга топширилди.

Минг метр квадратдан ошик майдонда жойлашган икки қаватли янги бионинг такрорланмас дизайни узокдан кўзга ташланади. Замонавий компьютер жиҳозлари, хизматларни онлайн тарзда олиш имконини берадиган инфокиосклар, электрон навбат талонини олиш, қайси ойнага мурожаат қилиш кераклигини тушунтиришга ҳамisha тайёр маслаҳатчилар, замонавий ресепшн, болалар майдончаси, кутиш жойлари — ҳаммаси аҳолига қулай тарзда хизмат кўрсатиш учун муҳайё.




Бир неча сонияларда навбат рўйхатини намоиш этадиган мониторларда сизни қайси қабул ойнасида кутилаётганидан хабардор бўласиз. 24 та қабул ойнасида хизмат олувчиларга 100 турдан ортик давлат хизматлари кўрсатилиши йўлга қўйилган.

— Зангиота туманида 200 мингга яқин аҳоли истикомат қилади, — дейди туман давлат хизматлари маркази директори Акбар Дадабоев. — Ҳозирда хизматлар сони 61 минг 300 гага етди. Шу ўринда, марказимизда давлат хизматларидан фойдаланувчилар сони тобора ортиб бораётганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Бир кунда ўртача 350-400 киши давлат хизматларидан фойдаланапти. Янги бинода хизмат кўрсатиш имконияти ва қўлама янада кенгайди. Шунингдек, бинода тадбиркорлар учун Бош вазир қабулхонаси ҳам иш бошлади.

Давлат хизматлари агентлиги
Тошкент вилояти бошқармаси матбуот хизмати

ГҮШТ НАРХИНИНГ КЎТАРИЛИШИ НИМАЛАРГА БОҒЛИҚ?

Гўштнинг нархи тобора ошиб бормоқда. Бунинг сабабини ҳар ким турлича изоҳламоқда. Кимдир аҳоли меъёрдагидан кўпроқ гўшт истеъмол қилаётганини таъкидласа, яна кимдир бошқа сабабларини рўқач қиляпти. Аммо ҳеч ким гўшт етиштиришдаги жиддий муаммолар ҳақида гинг демайди.



Ўртача 1,5 миллион сўм маош оладиган танишларимдан бир ойда неча килограмм гўшт харид қилиши ҳақида сўраганимда аксарияти «Бир ойда икки кило сотиб оламан», деб жавоб беришди. Ишсизликдан қийналиб, кунбай ишлар билан рўзгорини амал-тақал тебратаетганлар эса ҳайит ва байрамлардан ташқари кунлари умуман гўшт сотиб олмастлигини билдиришди.

Гўшт ўртача нархда бўлганида уни ким сотиб олиб, бола-чакаси билан баҳам кўрмайди дейсиз. Унинг нархи яна ошишда давом этиши мумкин. Чунки нархни арзонлаштирадиган даражада бой маҳсулот захираси мавжуд эмас.

2000 йилга қадар Ўзбекистондаги ҳар бир туманда битта йирик Бўрдоқчилик корхонаси, гўшт тайёрлов пункти ва 10-12 та чорвачилик фермалари мавжуд эди. Фермерлик характери бошлангач, Гўшт тайёрлов пунктлари буткул тугатилди. Бўрдоқчилик корхоналари айрим туманларда фермерларга бўлиб берилди. 10-12 та чорвачилик фермалари сони кескин қисқартирилиб, ҳар туманда 4-5 тагина шу соҳага ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари ташкил қилинди.

Мисол учун, Боғот туманида «Боғот» бўрдоқчилик корхонасида ўртача 1500-2000 бош қорамол сўкимга боқилар ва бу ерда 200 нафар ишчи меҳнат қиларди. Корхона ихтиёрида 350 гектар ер майдони бўлиб, унда қорамоллар учун озика-ембоп экинлар экиб, етиштирилар эди. Бу корхона ҳар ойда 1-2 бош ҳўқизни 250-300 килограммгача семиртириб Гўшт тайёрлов пунктга топширарди. Бу ердагилар эса чорвани яна бир-икки ҳафта боқиб, 500 килограммгача семиртириб, кейин гўштга топширарди.

Гўштининг нархи оша бошлаган нуктани ана шу корхона ва ширкат хўжаликлари ва фермаларнинг ёппасига тугатилиб ёки фермер хўжаликлариغا айлантирила бошлаган йиллардан излаган маълум назаримда.

«Боғот» бўрдоқчилик корхонаси тугатилгач, унинг ўрнида чорвачилик

йўналишида фермер хўжаликлари ташкил қилинса, айни муддао бўлар эди. Чунки пишиқ ва мустаҳкам архитектурага эга корхона бир неча гектар ер майдонида ўнга яқин бино ва кўралари мавжуд эди. Афсуски, бу дунёда халқ ободлиги учун кимлардир тузади-ю, кимлар эса бузади. Шундай гигант корхона ер билан яқсон қилиниб, қурилиш материаллари талон-тарож қилиниб, пойдеворигача қовлаб олинди.

Ҳазорасп туманидаги Бўрдоқчилик корхонаси доврўғи мамлакатимизда таниқли эди. Мазкур корхона ўз фаолиятини тугатгач, бинолари тадбиркорларга фойдаланиш учун тақсимлаб берилди. Бу эса бузиб, йўқ қилингандан кўра яхши, албатта.

Бошқа туманлардаги ана шундай йирик ва қудратли бўрдоқчилик корхоналарининг тақдири «Боғот» бўрдоқчилик корхонасиникидан унчалик фарқ қилмайди.

Бугунги кунда ҳар бир туманда фаолият юритаётган чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларидеги аҳвол билан бир танишиб кўринг. У ерда неча бош ҳўқиз сўкимга боқилар-ю бир ойда неча боши гўштга топширилмоқда? Аксарият молхоналар коксуяқ таналар ҳисобига тўлдирилган. Фермер хўжаликларида ошиб борса 200 бош қорамол боқиларди. Улар учун ажратилган ер майдони эса бош сонига мутлақо тўғри келмайди. Фермер хўжалиги раҳбарлари кўшимча ер майдони ажратишни сўраб мутасадди идораларга қатнаб чарчаган.

Қорамолни семиртириб боқиш учун яхши озика зарурлиги кундай равшан. Бундай озика кенг ва мўл ер майдонларида етиштирилади. Ахир қорамол ботқоқда ётиб семирадиган бегемот эмас-ку.

1991 йилда Ўзбекистон аҳолиси 20 миллион нафардан энди оша бошлаган эди. Бугун эса аҳолимиз 33 миллиондан кўп. Аҳолининг гўштга бўлган эҳтиёжини қондирадиган корхоналар эса кескин қисқартиб ташланган. Муаммонинг туб негизи ана шунда.

Қишлоқда яшовчи ҳар бир хона-

дон 2-3 бош қорамол асраб боқади. Бирок улар учун бир бош мол боқиш қанчалик қимматга тушаётганини ҳеч ким тасаввур қилмайди. Ҳозирги кунда фермернинг даласи четига ўроқ кўтариб боришининг ўзи афсонага айланган. «Бу ер менга тегишли, яна келсанг, оёғингни синдираман», деб ҳайдаб солади фермер. Оддий аҳоли нима эвазига молини боқади? Юз фоиз озикани сотиб олиб мол боқиш фақат хамёнга зарар келтиради ҳолос. Улар учун тўйимли озика тугул, оддий арик-зовурларда, уватларда қайнаб ўсиб ётадиган пичан ҳам пулга сотилади ҳозир. Хўқиз дегани туядек янтоқ қовлаб семираверса экан, деб орзу қиласан киши.

Аслида ана шу янтоқ билан ҳам новосни тош бостириб боқса бўлади. Бирок бунинг учун чорвачиликка масъул тизим мутасаддилари дўппини бир четга қўйиб янги ихтиролар борасида бош қотиришлари лозим.

Хоразм қуёи Амударё минтақасида жойлашган ҳудуд. Жўғрофий жиҳатдан олиб қараганда бундай ҳудудда янтоқ, окбош, ширинмия каби дағал ўсимликлар гўжаб ўсади. Бундай ўсимликлар бўй чўзиб ўсгани учун арик ва зовур рошларида юриб бўлмайди. Агар ана шу дағал ўтларни ўриб, қуриштириб, майдалаб чорвабоп озика ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилса, энг аввало ем-ҳашак нархининг арзонлашишига яхшигина ёрдам бўлиши аниқ.

Бугунги кунда айрим фуқаролар дағал ўтларни қўлбола усулда майдалаб, ун қилиб чиқариб, тўйимли омухта емга аралаштириб, қорамол боқишмоқда. Бу эса жуда яхши самара бермоқда. Агар улар қўллаётган усул технологияси миникомбайн тизимида такомиллаштирилиб, омалашса, мавжуд муаммолар ўз-ўзидан бартараф қилина бошлайди. Бу борада ихтирочи-олимлар, механик-муҳандис ва тадбиркор-технологлар ҳамжиҳатликда жиддий бош қотирса, нур устига нур бўлар эди.

МАКТАБГА ТАКСИДА ҚАТНАЁТГАН БОЛАЛАР

«Ё УЛАРНИНГ ШУНЧА ПУЛИ КЎП ЁКИ ТАКСИ СУВТЕКИН?»

«Ҳазорасп-Бўстон» йўналишида автобус қатнови йўлга қўйилгани аҳоли норозилигига сабаб бўлмоқда. Бўстон қишлоғи Ҳазораспнинг Амударё соҳилига туташ, марказдан олисроқда жойлашган ҳудуд саналади. Бу ерда ўн мингга яқин аҳоли истикомат қилади.



— Кўпчилик болалар туман марказидаги мактаб-интернатлари ёки касб-хунар коллежларига тақсида қатнаб ўқишади. Такси ҳақи эса қиммат. Агар қишлоғимизда автобус қатнови йўлга қўйилса, ёшларимиз учун катта бир имконият яратилган бўлар эди, — дейди «Қовунчи» маҳалласида яшовчи фуқаро Г. Қадамбоева.

Бир пайтлари ушбу ҳудудга «Ҳазорасп-Отов» йўналишида автобус ва маршрутқалар қатнаган экан. Отов — Бўстон қишлоғига қўшни бўлган Боғот туманига қарашли ҳудуд. Бундан келиб чиқадик, Боғот туманининг Қипчоқ, Бўка ва Тўпчи маҳаллаларидан ҳам ўғил-қизлар Ҳазорасп туман марказига қатнаб ўқишади. Шунингдек, бу ҳудудда марказга ишга қатновчилар ҳам талайгина.

— Одам дегани иссиқ жон. Кимдир касал бўлиб шифохонага қатнайди. Кимдир ётиб даволанаётган яқинларини кўргани боради. Автобус йўқлигидан оддий халқ жуда қийналади, — дейди яна Г.Қадамбоева.

— Автобус қатновини йўлга қўйишни талаб қилиб, бир неча йилдан буён тегишли мутасадди ташкилотларга мурожаат қилиб келамиз, — дейди боғотлик фуқаро Н.Рўзимов. — Олдинига фақат Ҳазорасп туман марказида бозор бўлиши инobatга олиниб, сешанба, пайшанба, шанба ва яқшанба кунлари автобус қатнови йўлга қўйилди. Шуниси ҳам рози эдик, аммо бу қатнов ҳам тўхтатиб қўйилганига 5-6 йил бўлди.

Ҳазорасп тумани Қовунчи маҳалласи фуқаролари билан суҳбатлашганимизда улар сектор раҳбарлари ва бошқа мутасаддилар билан бўлиб ўтаётган учрашув ва қабулларда бу масалани кўп бора ўртага ташлашганини очиқлашди. Бирок бу талаб ва тақлифга ҳеч ким эътибор қаратмаётгани бугунгача болалар ўқишга тақсида қатнаётганидан ҳам билиш мушкул эмас. Айниқса, киш кунларида қатнов янада қийинлашиши, шу билан бирга нархлар ҳам ўсиб бориши сир эмас. Бундай ҳолатлар аҳолига янада қийинчилик туғдиради. Аҳоли эса мутасаддилар бу масалани ўрганиб чиқиб, етарлича эътибор қаратиши ҳамда муаммога ижобий ечим топилишидан умидвор.

СОЛИҚ СИЁСАТИ:

ҚҚС 20 ФОИЗДАН 15 ФОИЗГАЧА ПАСАЙДИ

ЎЗГАРИШЛАР КИМГА ҚАНЧА ФОЙДА КЕЛТИРАДИ?

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 26 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармониغا мувофиқ, солиқ сиёсатида айрим ўзгаришлар амалга оширилмоқда.



«Биз 15 фоизлик ставкани 2020 йил 1 январдан жорий этиш таклифини илгари сургандик. Аммо давлатимиз раҳбари бу амалиётни 1 октябрдан жорий қилиш ва иктисодиётда бизнес учун енгилликлар яратиш бўйича топшириқлар берди».

Ушбу мухбири ушбу ислохотлар, тадбиркорларни қўллаб-қувватлашдаги янги механизмларнинг мазмун-моҳияти ҳақида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Бехзод МУСАЕВ билан суҳбатлашди.

– Президентимиз фармонига биноан, 1 октябрдан қўшилган қиймат солиғи ставкаси амалдаги 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилди. Ушбу ўзгаришнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб берсангиз.

– Мутахассислар солиқ сиёсати бўйича ўз фикрларини билдирган ва қўшилган қиймат солиғи ставкаси юқори эканлини таъкидлаганди. Аммо ўйлаб кўринг, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига тушумнинг учдан бирини қўшилган қиймат солиғи ташкил этади. Бу мамлакат олдида турган кўплаб харажатлар учун муҳим манба ҳисобланади.

Бугун бюджет ташкилотларида 1,7 миллион аҳоли доимий иш билан банд, 3 миллиондан ортиқ пенсия ёшидаги фуқаролар бор. Давлат томонидан уларга ҳар ой маош ва нафақат берилди. Давлат ўз олдида турган ана шундай мажбуриятларни тўла бажариши учун ўтган вақт давомида қўшилган қиймат солиғини 20 фоизда ушлаб туришга тўғри келди.

Ўтган йилги солиқ концепциясида 2019 йил 1 январдан иш ҳақи фонди-га бўлган солиқ юқини камайтириш кўзда тутилганди. Наҳажада ушбу санадан бошлаб жисмоний шахсларнинг даромад солиғи 22 фоиздан ягона 12 фоизга туширилди. Саккиз фоизлик иш ҳақидан суғурта бадали олиш умуман бекор қилинди. Бу бир қараганда, бюджетга тушумнинг сезиларли камайтиришга олиб келишини аниқлади. Шу боис мутахассислар бу ўзгаришни катта тавakkал, дея баҳолаганди.

Аммо Президент Шавкат Мирзиёевнинг узокни қўзғаб иш тутиши натижасида тадбиркорлар яратилган солиқ имтиёзларидан оқилона фойдаланиб, ўз фаолиятини янада жонлан-тирди. Бунинг натижасида жисмоний шахслардан олинган даромад солигининг давлат бюджетига тушу-ми икки бараварга ортинчи қузатилди. Йилнинг биринчи ярмида қўшимча 571 минг солиқ тўловчи аниқланди. Даромад солиғи давлат бюджетини шакллантирувчи учинчи солиқ тури эканлини инobatга олсак, бу муҳим аҳамиятга эга экани ойдинлашди.

Айни шу натижалар қўшилган қиймат солиғи ставкасини пасайти-риш қарорини қабул қилишга туртки бўлди. Биз 15 фоизлик ставкани 2020 йил 1 январдан жорий этиш такли-фини илгари сургандик. Аммо давлати-миз раҳбари бу амалиётни 1 октябрдан жорий қилиш ва иктисодиётда бизнес учун енгилликлар яратиш бўйича топшириқлар берди.

Қўшилган қиймат солиғи став-касининг туширилиши натижасида республика миқёсида хўжалик юри-

тувчи субъектлар ихтиёрида 10 трил-лион сўмдан ортиқ айланма маблаг тежаб қолинади.

– 15 фоизли қўшилган қиймат солиғи амалиётга жорий этили-ши ҳозирда тадбиркорлик субъ-ектлари олдида турган биринчи галдаги вазифаларга тўхталиб ўтсангиз.

– Шу кунгача назорат-касса аппа-ратлари хотирасига ёзилган формулага мувофиқ, харид қилинган махсулотлар учун 20 фоизлик қўшилган қиймат солиғи сақлаб қолинарди. 1 октябрдан бу амалиёт 15 фоиз этиб белгилангани боис назорат-касса аппаратларини қайта тизимлаш зарурати туғилади. Муддати тугамаган шартномаларга эса тазатиш киритилади. Шунингдек, бизнес субъектлари имзолаган ҳар бир шартномани қайта инвентаризация қилиши керак.

– Фармонга мувофиқ, ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиздан 12 фоизга туширилди. Ушбу тизимнинг жорий эти-лиши ва ўзига ҳослиги юзаси-дан ҳам ўз фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

– Бу йилдан бошлаб ягона ижтимо-ий тўлов Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бю-джетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадини шакллантирувчи асосий тўлов манбаи ҳисобланади. Шу боис йил бошидан меҳнат ҳақида солиқ юқини камайтириш жараёнида ягона ижтимоий тўловни сақлаб қолиш ва улардан тушадиган тушумларни кескин хавф остига қолдирмаслик мақсадида устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар учун аввал-ги 25 фоизлик ставка сақлаб қолинган эди. Қолган хўжалик юритувчи субъ-ектлар учун ушбу рақамлар 12 фоиз-гача камайтирилди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда давлат улуши бўлган 4 минг 609 корхона мавжуд. Уларда қарийб 665 мингга яқин киши иш билан банд. Янги амалиёт сабаб улар ҳисобиди 2,7 триллион сўм маблаг жамғариб қолинади. Шу тарика кор-хона ўз фаолиятини ривожлантириш, ходимларга қўшимча маош тўлаш имконига эга бўлади.

– Ушбу фармон билан тад-биркорлар ҳисоб рақамларини тўхтатиб қўйишнинг амалдаги тартиби бекор қилинди. Қайд этиш жоиз, бу тартиб иж-тимоий тармоқларда катта акс-садо берди. Ушбу амалиёт-нинг аҳамияти ҳақида запириб берсангиз.

– Шу кунга қадар, тадбиркор топган

даромади ҳақидаги маълумотларни солиқ идораларига тақдим этмаган тақдирда, солиқ кодексига кўра, улар маблагларининг банкда айланишига чек қўйиларди. Бундай вазиятда тад-биркор солиқ идораларига мурожаат қилмаса, тақим белгиланмаган муд-датгача давом этарди.

Ҳозирги кунда 18 мингдан ортиқ хўжалик юритувчи субъектнинг бан-кадаги амалиётлари тўхтатилган. Бу иктисодиётда пул маблагларининг ҳаракатланишига чек қўйиш демакдир.

Президентимиз фармони билан эндиликда солиқ идоралари ва тад-биркор ўзаро ҳамкорликда ишлаши белгиланди. Шунда ҳам тадбиркор даромадларини яширишда давом этса, охириги чора сифатида чеклов белги-ланди ва бу муддат 30 кундан ортинки ташкил қилмайди.

– Бугунги кунда солиқ маъму-риятчилигини амалга оши-ришда қандай ёндашулар ишлаб чиқилмоқда?

– Ахборот технологиялари давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кенг қўлланилмоқда, жумладан, солиқ сиёсати ва унинг тушумини назорат қилиш соҳасида ҳам. Ахборот тех-нологияларига ихтисослаштирилган солиқ назорати механизмлари жорий қилинмас экан, бу ислохотларнинг тўла самара бермаслиги, давлат бю-джети даромадларини шаклланти-ришда камчиликларнинг юзага кели-шига олиб келиши мумкин.

Шу боис солиқ органлари фаолияти бугун тубдан ўзгаририлмоқда. Етти хил янги турдаги солиқ назорати механизмлари жорий қилинмоқда. Бу қўшилган қиймат солиғи гувоҳномасини олиш, божхона декла-рацияси асосида кириб келган юклар-нинг электрон ҳисоб-фактурасини жорий қилиш, бутун мамлакат тадбир-корлик фаолияти ҳисобини электрон кўринишига ўтказиш, электрон транс-порт юк хати жорий қилиб, йўлдаги юклар характерини назорат қилиш ва махсулот тайёр бўлганидан сўнг улар савдосида онлайн назорат-касса аппа-ратларини жорий қилишда намоён.

Солиқ тизимига бу каби амалиёт-ларни жорий этишда Хитой, Россия, Бирлашган Араб Амириклари каби давлатлар тажрибалари ўрганилди. Бу, ўз навбатида, солиқ тўловида шаф-фофликни таъминлашга қаратилган.

Бир сўз билан айтганда, мамла-катимизда солиқ сиёсати, у билан боғлиқ ўзгаришлар тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилгани бил-ан аҳамиятлидир.

Улугбек ШОНАЗАРОВ
суҳбатлашди.

Дарвоқе

НОН ИШЛАБ
ЧИҚАРУВЧИЛАРГА
СОЛИҚ ИМТИЁЗИ

Маҳаллий ундан қолипчи нон ишлаб чиқарувчиларга солиқ имтиёзи белгиланди.


Донни қайта ишлаш корхоналари ва қолипчи нон ишлаб чиқарувчиларни янада қўллаб-қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида Хукумат қарори (829-сон, 30.09.2019 й.) қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, 2020 йил 1 июлгача фақат маҳаллий дондан ишлаб чиқарилган ундан тайёрланган қолипчи нон ишлаб чиқариш ва сотиш ҚҚСдан озод этилади.

2019 йил 1 октябрдан бошлаб им-порт қилинганда ҚҚСга тортилган донни қайта ишлаш корхоналари ҚҚС бўйича солиққа тортилмаган айлан-мани Солиқ кодексига белгиланган тартибда аниқлайдилар.

Шунингдек, қарор билан киритил-ган ўзгаришларга кўра юридик шахслар белгиланган рўйхат бўйича четдан келтирилмаган ёғоч-тахта материаллари ва ёғоч учун ҚҚС тўлашдан озод қилиш бўйича имтиёз бекор қилинди.

Эшитдингизми?

ТУРИЗМ МАВСУМИДА
«РЕГИСТОН»
КОМПЛЕКСИ ЯРИМ
ТУНГАЧА ИШЛАЙДИ

Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Хукумат қарори қабул қилинди (828-сон, 30.09.2019 й.).

Қарорга мувофиқ, 2019 йил 1 октябрдан бошлаб ЮНЕСКО рўйхатига киритилган худудлардан ташқари Самарқанд шаҳридаги ер участкалари меҳмонхоналар куриш учун «E-IJRO AUKSION»да электрон онлайн-аукцион орқали жисмоний ва юридик шахсларга тақдим этилади.

Шунингдек, шаҳарнинг «Университет» хибони, Ислон Каримов, Алишер Навоий ва Пушкин кўчаларида ҳуусий инвесторларнинг жалб қилган ҳолда 2019-2021 йилларда туризм инфратузилмаси ташкил этилади.

Қарорга кўра:

- «Боғи бандан» ва «Боғи Шамол» боғлари жойлашган жойни аниқлаш орқали қайта ташкил этилади ва тарихий қиёфаси қайта тикланади;
- «Шероз қалъа», «Добусяни», Ревдат шаҳарчаси – Кофир қалъа, Афросиёб шаҳарчасидаги археологик ёдгорликлар ЮНЕСКО билан келишган ҳолда реставрация қилинади;
- археологик ёдгорликлар худудида «очик осмон остидаги» музейлар ташкил қилинади ва ташриф буюрувчиларни электрон ҳисобга олиш тизими жорий этилади.

2019 йил 1 октябрдан бошлаб, туризм мавсуми давомида (март-ноябрь) «Регистон» комплекси ҳар куни соат 7:00 дан 24:00 гача ишлайди.

«Хуқуқий ахборот»
телеграм канали

«КАНАЛ» ТАЛАШГАН КАТТАЛАР

ёхуд ахборот хуружлари ҳимояси аслида КИМНИНГ ЗИММАСИДА?..



Шиддат билан ўзгарётган бугунги ахборот асрида энг хавфли ҳужум – бу инсон онгига салбий таъсир этувчи маънавий таҳдидлар. Уларнинг вазифаси турли кўринишда, ҳар хил йўллار билан ёшлар маънавиятини «қашшоқ»лаштириб, онгини ёт ғоялар билан тўлдиршидир. Глобал оламни интернет эгаллаётган даврда, унинг ижобий сифатлари билан бир қаторда, салбий жиҳатлари ҳам кўзга ташланмоқда. Эндиликда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томондан «чирмаб олаётган» ёт ғоя ва иллатлар, ахборот хуружларининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш тобора долзарб аҳамият касб этиши билан бирга, бу масала жамиятдаги ҳар бир шахс зиммасига масъулият ҳиссини юклайди. Ота-оналардан айниқса ҳушёрликни, сергакликни талаб этади.

Ёшларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш давлат ва жамият олдидаги устувор вазифа эканлигини инobatга олган ҳолда, мазкур масала оммавий ахборот воситалари эътиборидан ҳам четда қолгани йўқ. Муаммони бир-галикда муҳокама қилиш, унга фикр билдириш осон, албатта. Бирок унинг ечимини амалда қўллаш, ёшлар тарбиясига бефарқ бўлмаслик учун анча-мунча фидойилик керак бўлади. Тадбирлар, кўрсатувлар орқали ёшларни ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш ҳақида қанча бонг урмайлик, тарбияга масъул ота-она, ўқитувчи, маҳалла-қўй бу жараёнга лоқайдлик муносабатига бўлар экан, қалаванинг учини қидирмоқдан маъно чикмайди.

Тўғри, интернет ёшларнинг амалий кўмакчисига айланиб улгурган: маҳаллий ва дунё янгиликларидан баҳраманд бўлиш, доимий мулоқот ва ахборот алмашиш, ҳеч бўлмаганда, эрталаб об-ҳавони билиш, узоқдаги ёр-биродарлар ахволидан хабардор бўлишгача яқин кўмакчи. Ҳозир ҳатто тил ўрганишининг янги методларидан фойдаланиш учун ҳам интернетга, ижтимоий тармоқларга мурожаат қиламиз. Шубҳасиз, интернет вақтимизни тежаш ва билим-кўникмаларимизни оширишга хизмат қилади. Лекин ничоқ ошпаз қўлида мазали таом пишириш воситаси бўлса, котил учун кимнингдир умрига зомин бўладиган совуқ қуролга айланади. Демак, ҳар бир нарсадан қандай, нима мақсадда фойдаланиш ҳар бир инсоннинг ўзига, тафаккурининг нақадар соғлом эканига, бир сўз билан айтганда маънавиятига боғлиқ.

Айрим ёшларнинг виртуал олам асирига айланиб, балки билиб-билмай, балки қизиқувчанлик ортидан экстремистик гуруҳларга қўшилиб, ёвуз инсонлар билан ахборот алмашиб, уларнинг «беминнат ёрдамчисига» айланиб қолаётгани бор гап. Бунда кимни айбдор санаймиз? Пул ортидан қувиб чарчамайдиган, фарзандига бутун кунининг лоқал икки соатини ажратолмайдиган ота-онаними ёки дарсини ҳўжақўрсинга ўтадиган, «бировнинг боласи нима олиб берарди» дея лоқайдлик қилаётган баъзи устозларними? Маҳалладаги, қўни-қўшни орасидаги аянчли муҳит бунга бош сабабчи бўлаётгандир балки?.. Муаммо, аслида, ёшларга эътиборсиз муносабатда бўлиш, уларни ўз ҳолига, ўзибиларчиликка ташлаб қўйиш, тарбияга ўзини масъул деб билмасликдан (ўқитувчилар ота-она тарбияга масъул

деса, ота-она фарзандининг кўп вақти ўқув даргоҳида ўтишини пеш қилиб, тарбияни мактабга ташлаб қўйишади) келиб чиқмаётими?!

Ота-она интернетдан фойдаланиш маданияти тўғрисида фарзандига маълумот бериши учун, аввало, ўзлари бу соҳа доирасида маълум билимга эга бўлиши, «зарарли ахборот» тушунчасининг моҳиятини англай билиши, атрофдаги воқеалардан ҳамиша хабардор бўлиб туриши зарур.

Болалар психологи Лайло Нодирова муаммонинг олдини олиш ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди: «Атрофда тарбияга масъулман деган ҳар бир шахс соғлом фикрга эга бўлиши ва ахборотни анализли синтез қилишни билиши керак. Ота-она ҳар қадамда фарзанди тарбияси борасида огоҳ бўлиши зарур. Зарарли ахборот ҳам маълум маънода керак, чунки ёмон ахборотлар борлигини сезиб, огоҳ бўлиб турсак, биз кейинги хатти-ҳаракатларимизнинг стратегиясини тузиб олишимиз мумкин. Агар зарарли ахборот нима мақсадда тезлик билан тарқатилётганини ота-она фарзандига олдиндан тушунтирса, кейинчалик бола миясида ёт ғояларга қарши иммунитет пайдо бўла бошлайди, интернетдан фойдаланаётган пайтда ахборотни яхши ёки ёмонга ажратадиган бўлади».

Шуни таъкидлаш жоизки, зарарли ахборот ёшлар онгига фақатгина интернет орқали таъсир кўрсатиб қолмай, балки телевизорда ҳам ёшлар маънавий дунёсига зид келадиган эфирлар етарлича. Эндиликда қонунчиликка мувофиқ эфирга узатилаётган ҳар бир кўрсатув, кинофильм ёхуд сериалларда томошабин ёшнинг чегараси белгиланмоқда: барчасида бўлмаса ҳам аксариятида «+16», «+18» каби ёзувли оғохлантиришлар қўйилапти. Аслида, ота-она буни «оғохлантириш» дея қабул қилияптими?! Устоз журналист Хуршид Дўстмухаммад интервьюларининг бирида: «Болалигимизда французларнинг «Калдуния» деган киноси бўларди. Воқеалар давомида экран пастига «+16» деб ёзиб қўйилган эди. Шунда ўн олти ёшга тўлганлар кўрмасин, деб уйда роса тўполон бўлган. Ҳозир ҳам телевизорда шундай ёзилади, бироқ ҳеч ким эътибор қилмайди. Бизнинг оилада шунга ҳам аҳамият қаратилган», – деган эди. Хўш, бугун фарзандлари телевизор қаршида нимани томоша қилаётгани билан қизиқаётган ота-оналар борми, бўлса улар сони қанча? Афсуски, бу саволга жўяли жавоб бўлганида ҳозир биз қўраётган бу масала унчалик долзарб аҳамият касб этмаётган бўлар эди. Аслида телевизор кўраётган бола ёзилган ёш чегарасига қараб ҳам ўтирмайди, аксинча «ёши етмаган»ларини кўришга қўпроқ қизиқади. Демак, экранда ёзиб қўйилган ёш чегараси фақат ота-она

учун, фарзанди нимани кўриши мумкин ёки мумкин эмаслигини англаши учун керак ҳолос.

Ҳозир телевизорни қайси каналга олмайлик, ундаги турк кино ижодкорлари томонидан яратилган сериал ва кинолар намойишига кўзимиз тушади. Баъзи аёлларга телеканаллардаги турли сериалларнинг ҳар бирини қолдирмай кўришларига қараб, «тасанно»лар демасдан илож йўқ. Бирок ота-она сериални шунчалик қизиқиш билан томоша қилганиданми, фарзанди кўриши мумкинми ёки йўқ, аслида, тарбиянинг бузилиши нимадан келиб чиқиши ҳақида ўйлаб ҳам кўришмайди. Оила катталари телевизор қаршида бешикдаги гўдагидан тортиб, боғча ва мактаб ёшидаги фарзандлари билан бирга турнақатор тизилиб, марок билан сериал томошасига ошиқлашади. Ярим яланғоч кийиниб чиқадиган хонимлар, муҳаббат деган туйғуни оёқости қиладиган ошқиклар, эрига хиёнат қилиб, фарзандининг ҳақиқий отаси қимлигини яшириб юрган хотинлар... Мана шу иллатларнинг ҳаммаси вақти келиб навниҳол бола тафаккурда ниш урмаслигига ким қафолат беради?

Оила бошлиғи футбол ишқибози, уйнинг бекаси эса сериал шинавандаси бўлса борми, телевизор пултининг торта-торт бўлганини кўринг. Бири «Спорт»га оламан деб, бири «ЗўрТВ»га қўяман деб, аразу жанжалгача боришади. Хонадонда икки-учта телевизор бўлса хўп-хўп... масала ҳал... ҳаммаёқ тинч... Бирок «Болажон»га қўйинг, зўр мультфильм бўлапти» деган болақайни агар кичик бўлса ёки уйқуга жўнайтишади ёки дарсларини қилишини керак деб, ўз хонасига қузатишади. Ваҳоланки, дарс қилинмаётгани, эртанги ўқиш кунига фарзандида тайёргарлик қандай эканлиги ҳақида қизиқиш ҳам кўрмаслиги ачинарли ҳол.

Мактабда ҳар ҳафта ахборот соати ўтказилишини ҳисобга оладиган бўлсақ, ўқитувчи ёшларга ахборот хуружлари тўғрисида маълумот берса фойдадан холи бўлмайди. Агар ота-она фойдали сайтларни фарзандига тавсия этиб, қандай маълумотларни олиши мумкин эмаслиги ва тақиқланган сайтлар ҳақида тушунча берса, сериал кўраётганларида «+18»ларга аҳамият бериб, «атрофига бир назар ташлаш»ни ўрганса, жамият-ни ўйга толдираётган муаммо оз бўлсада қайтадан бўларди, балки. Бунинг учун ҳали айтганимиздек, тарбияга масъулман деган ҳар бир шахс борки, бу масалага ўз дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда, шахсий фикр-мулоҳазалари билан эътибор қаратиши лозим.

Маҳфуза ПЎЛАТОВА,
ЎзЖОКУ интернет
журналистика талабаси

«ЎЗГИДРОМЕТ» РАДДИЯ БЕРДИ

«Тошкент жаҳоннинг хавоси энг ифлос шаҳарлари рейтингига 2-ўринни эгаллади»...
«Ўзгидромет» ушбу маълумотга муносабат билдирди.

Дунё шаҳарларидаги ифлосланиш ва ҳаво сифати индексини таҳлил қилувчи The World Air Quality Index нинг энг йирик онлайн-мониторинг нагижаларига кўра, Тошкент хавоси ифлос шаҳарлар рейтингига иккинчи ўринни эгаллагани маълум қилинди.

Бугунги кунда Тошкент хавосида PM 2,5 микролери 180 дан 158 микрограмм метр кубгача эканлиги айтилмоқда.

Тошкентда бу каби ифлос хаво шаронтида The World Air Quality

Index одамларга деразаларни ёпишни ва хоналарни вентиляция қилишни тавсия қилади.

«Ўзгидромет» Тошкентнинг хавоси энг ифлос шаҳарлар рейтингига иккинчи ўринни эгаллашни нотўғри маълумот деб атади.

«AirVisual.com сайти расмий давлат сайти ҳисобланмайди. Унга маълумотлар хусусий компаниялар ва ташкилотларнинг суъий йўлдош қузатувлари асосида келиб тушади. Маълумотлар PM 2,5 нозик зарралар билан хавони ифлослантириш ҳақида хабардорликни ошириш ҳамда унинг инсон организмга таъсирини камайтириш учун аҳоли, сиёсатчилар ва ишбилармонлар учун ахборот ва тавсиявий характерга эга», – дейилди «Ўзгидромет» хабарлари.

АРЗИМАС САБАБЛАРДА ҲАМ КАТТА ҲАВФ БОР

Миллат маънавиятини юксалтиришда, шубҳасиз, оиланинг ўрни муҳим. Зеро, жамиятда мавжуд қайси бир муаммага назар ташламанг, илдизи оила ва унинг моддий, маънавий-маърифий ҳолатига бориб тақалаверади. Шу боис ҳам мамлакат келажаги оиланинг мустаҳкамлиги билан чамбарчас боғлиқлигини мутлақо инкор этиб бўлмайди.



Эътибор беринг, сабаблар арзимас, жуда жўн ва оддий. Лекин уларнинг ҳар бирида гулдай оиладаги ришталарни дарз кетгувлик куч бор, фарзандни ота ёки онасидан айриришга қодир қудрат бор.

Афсуски, ҳаётимизда эрта ва қариндошлар ўртасида тузилаётган никоҳлар, ёш оилалардаги ажримлар, аёллар жиноятчилиги, вояга етмаганлар орасида безорилик ва ҳуқуқбузарликлар учраб турибди. Демак, оилалардаги салбий ҳолатларнинг сабабини ўрганиш ва уларни бартараф этиш, оилаларни мураккаб ҳаётли вазиятлардан олиб чиқишда янгича механизмларни жорий этиш талаб этилмоқда.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, бунинг учун биринчи навбатда, оила масалаларига оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш зарур. Шу мақсадда марказимиз томонидан Оила, Фуқаролик процессуал, Маъмурий жавобгарлик, Меҳнат, Уй-жой, Жиноят кодекслари таҳлил қилинди. Улар асосида оила мустаҳкамлигини таъминловчи 50 дан ортик тақлиф ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик ва идораларга тақдим этилди.

АВВАЛ ЎҚИБ, СЎНГ ОИЛА ҚУРИШ

Мамлакатимиздаги 8,3 миллиондан зиёд оиланинг 2 миллиондан кўпи ёш оила саналади. Ўрганиш натижалари ёш оилалардаги ажрашиш сабаблари ақсарият ҳолларда йигит-қизларнинг оилавий ҳаёт ҳақида билим-қўникмаси етарли эмаслиги билан боғлиқлигини кўрсатди. Ҳа, агар бўлгуси ёш оила соҳиблари қўша-қўша дипломли, олий маълумотли бўлсаю ҳаёт бодибда укувсиз бўлса, у оиланинг пойдевори мустаҳкам бўлиши амримаҳол.

Шу боис давлатимиз раҳбари 2018 йил Шайхонтоҳур туманига ташрифи чоғида «Оила» илмий-амалий маркази зиммасига «Бўлгуси келин-куёвлар инновацион мактаби» фаолиятини йўлга қўйиш вазифасини юклаган эди. Шундан келиб чиққан ҳолда дастлаб «Ёшларни мустаҳкам оилавий муносабатларга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик масалалари» мавзусида 2000 дан зиёд

йигит-қиз ўртасида ижтимоий сўров ва тегишли тадқиқотлар ўтказдик. Унинг натижаларига асосланган ҳолда ҳозирда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда 116 туман марказида «Бўлгуси келин-куёвлар инновацион мактаби»ни ташкил этдик. Уларда оила қуриш маданияти, оилавий муносабатларнинг маънавий-ахлоқий асослари, оила иқтисодиёти ва бюджетни юритиш, репродуктив саломатлик ва оила психологияси бўйича машғулотлар олиб борилмоқда. Мазкур мактаблар фаолиятига 400 дан ортик мутахассис жалб этилди. Шу пайтгача уларда 6000 дан зиёд бўлгуси келин-куёв ўқитилди.

Айни пайтда Ўзбекистонда оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси талабларини бажариш, ёшларни оилавий ҳаётга мақсадли тайёрлаш борасида «Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича инновацион мактабларни ташкил этиш тўғрисида»ги Президент қарори лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Унда инновацион мактаблар фаолиятининг асосий вазифалари белгиланмоқда. Савол туғилади: ушбу ҳужжат қабул қилинишининг аҳамияти нимада?

Гап шундаки, мазкур қарор орқали аввало, оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги мавжуд камчиликлар, жойларда йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этишга кенг йўл очилади. Оилаларга таъсирчан методик, консультатив ва амалий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизими яратилади. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ажримлар, оиладаги жоғаро ва зўравонликларнинг олдини олиш ишлари янада кенгайтирилади.

«...АГАР ЎЗ ВАҚТИДА ЁРДАМ БЕРИЛГАНДА АЖРАШМАГАН БЎЛАР ЭДИК»

Тан олиш керак, оила институтини мустаҳкамлаш соҳасида муаммоларимиз ҳали кўп. Ҳу-

сусан, жойлардаги ўрганиш ва таҳлилларимизда ёшларнинг оилавий турмушга тайёр эмаслиги, келинга қайнона ёки оиланинг бошқа аъзолари турли кўринишда зуғумлар ўтказиши, хотиннинг эр томонидан камситилиши, арзимас олди-бердилик ҳам ёш оилаларни ажратиб юбораётгани, шунинг ортидан бошқа жиддий муаммолар юзга келаётгани ойдинлашмоқда.

Илмий-амалий тадқиқот натижаларига кўра, ажрашган оила вакилларининг 40 фоиздан ортиги агар ўз вақтида ёрдам берилганида ажрашмаган бўлар эдик, деган фикрда.

БУ КИЧИК РАҚАМ ЭМАС

Ҳа, оилалардаги ажрашишлар жамиятимиздаги оғриқли нукталардан бири. Марказимиз оилавий низоларнинг туб моҳияти, ажримларни илдизини аниқлаш, шу асосда муаммонинг ечимини топишга катта аҳамият қаратиб келмоқда. Биргина жорий йилнинг олти ойи мобайнида республика миқёсидаги ҳамкор ташкилотлар ёрдамида Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ва судга ажрашиш учун ариза берган 900 га яқин оилани яраштиришга эришдик. Саъй-ҳаракатларимиз самарасида ажрашиш ёқасида турган 13,5 мингга яқин оила фикридан қайтди. Натижада 21 мингдан ортик бола етимлик қисматидан сақлаб қолинди.

Айни йўналишда оилавий келишмовчиликларни бевоқиф маҳаллаларнинг ўзида муҳокама қилиш ва эр-хотин муносабатларини жамоатчилик кўмағида муътадиллаштириш тизими йўлга қўйилгани қўл келмоқда. Жорий йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида 19 мингга яқин оилавий низо шу усулда ўрганилди.

АЖРИМЛАРНИНГ САБАБИ...

Таҳлиллардан маълум бўлдики, оилаларнинг 50,2 фоиз эр-хотин ўртасидаги ўзаро

келишмовчиликлар, 17,7 фоизи оилавий ҳаётга қайнона-қайнота ва бошқа учинчи шахслар аралашуви, 7,7 фоиз бефарзандлик, 3,3 фоиз хиёнат, 4 фоиз моддий етишимовчилик ва ишсизлик, 5,8 фоиз ичкиликбозлик, 3,8 фоиз ташқи ва ички миграция, 1,5 фоиз оила аъзоларидан бирининг касаллиги, 1,7 фоиз уй-жойнинг йўқлиги ва 5,8 фоиз бошқа омуллар туфайли ажрашиш ёқасига келиб қолган. Эътибор беринг, сабаблар арзимас, жуда жўн ва оддий. Лекин уларнинг ҳар бирида гулдай оиладаги ришталарни дарз кетгувлик куч бор, фарзандни ота ёки онасидан айриришга қодир қудрат бор. Бундай пайтда инсоннинг қадри, бой берилган меҳр, ишончга ачинасан киши. Минг афсус...

Бизнингча, бу каби салбий жиҳатларни бартараф этиш учун ажрашиш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, жумладан, Оила кодексини инвентаризациядан ўтказиш фурсати етди. Ҳозирда олий ўқув юрталарида оилавий психологлар тайёрлашни йўлга қўйишга жудда катта эҳтиёж бор.

Бундан ташқари, оила институтини билан ишлайдиган мутахассисларнинг низоли ҳолатларни бартараф этишда медиация хизматидан фойдаланишини йўлга қўйиш, бу бўйича билим ва қўникмаларини такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Оилавий ажримларнинг олдини олиш борасидаги муҳим вазифаларимиздан яна бири замонавий оила моделини тарғиб қилишдан иборат.

Мазкур масалада ҳам сўровлар ўтказдик. Ақсарият респондентлар фикрича, замонавий намунали оила – бу соғлом ва муайян маълумотга эга бўлган оила аъзоларига, моддий фаровонлик ва қудай психологик муҳитга эга бўлган, фарзандларни анъанавий миллий қадриятлар асосида тарбияловчи, ФХДБда расмий рўйхатдан ўтказилган тўлик

(ота-онаси бор) оиладир.

Бундай фикр ва қарашлар бизга оиланинг устувор мезонларини аниқлаш ва уларни умумлаштириш имконини берди. Шу асосда анъанавий оила қадриятларини сақлаб қолган ҳолда замонавий оила моделини шакллантириш учун тарихий, маданий шарт-шароитларни комплекс тадқиқ қилиб, уларни ҳаётга жорий этиш бўйича илмий асосланган тақлифлар тайёрладик.

АСЛ ҲОЛАТНИ ҲАҚҚОНИЙ БАҲОЛАШ КЕРАК

Оила институтини мустаҳкамлаш бўйича саъй-ҳаракатлар малакали кадрларга эҳтиёжни қучайтириши ҳам табиий. Шунинг эътиборига олган ҳолда Президентимизнинг ташаббуси билан «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказининг худудий бошқармалари қошида ташкил этилган Маҳсуус ўқув курсларида оила билан ишловчи кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қаратилган ўқув курслари иш юритяпти. Уларда оиладаги низоли ҳолатларни ҳал этишнинг ҳуқуқий, психологик асослари ўргатиляпти. Ажримларнинг олдини олиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, шунингдек, оиладаги маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва бошқа масалалар юзасидан замонавий услубларда машғулотлар олиб борилмоқда.

Курсларда «Оила» илмий-амалий марказининг раҳбар-ҳодимлари, фуқаролар йиғинларининг яраштириш комиссияси раислари ҳамда хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислари, психологлар, ФХДБ органлари ҳодимлари, патронаж ҳамширалар, профилактика инспекторлари малака оширяпти, ўзаро тажриба алмашяпти.

Ҳозирга қадар оила билан ишловчи жами 10 мингга яқин мутахассис ушбу курсларда сабоқ олди. Жорий йилнинг олти ойи мобайнида яна 5 минг 703 мутахассис тегишли малака сертификатига эга бўлди.

ОДАМЛАР ЎЗИ АНГЛАБ ЕТМАСА...

Гап рақамларда эмас, албатта. Энг асосийси, оила институтини мустаҳкамлаш учун реал ҳолатни ҳаққоний баҳолаш керак. Одамларимиз ўз тафаккури билан оиланинг муқаддаслигини англаб етмас экан, уринишларимиз, ундовларимиз бефойда. Шунинг учун аҳоли, айниқса, ёшлар орасида оилани мустаҳкамлашга қаратилган тарғибот ишларини шунчаки ҳисобот учун эмас, балки халқчил, тўғри ташкил этишга жиддий эътибор қаратиш зарур. Бизни ўйлантираётган, кийнаётган муаммоларга ечим ҳам, биз кутган натижа ҳам шундагина бўй кўрсатади.

Фарида АБДУРАҲИМОВА,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази Тошкент шаҳар бошқармаси ўқув бўлими раҳбари

Қахрамон мактабдан чиқиб, тўғри уйга келди. Айвонни супураётган Холтожи хола ўғлини кўриб, ишини тўхтатди.

— Яна сочингни олдирмадингми? Туркингни қара, девонага ўхшайсан! Кулоғингга гап қирадимиз ўзи?

— Қиради.

— Қирса, нега олдирмадинг?

— Уста уйда йўқ экан...

Қахрамон ёлгон гапираётганимни олим сезиб қолмасин деб, ерга қараб мингирлади.

— Қаёққа кетибди?

— Тўйга.

— Ўлсин тўйга бормай. Ис чиққан жойни юз чақиримдан билади бу искович! Майли, ҳали отанг келсин, устарада ўзи бақиртириб опқўяди.

— Ойи, жон ойи, мен ўзим...

— Ўзим! Ўзим! Ўзингга қўйиб берса, жа-а талтайиб кетясан, — Холтожи хола ўғлининг илтимосидан сал юмшади. — Бешинчида ўқисанг ҳам битта сочингни эплай олмайсан. Қир уйга, овқатинг совиб қолмасин.

Қахрамон бўшашибгина ичкарига кирди. Сумкасини тоқчага отиб, ойнага тикилди. Қоп-қора, пахлоқ сочлари ўсиб, кулоқлари ва кўйлақ ёқасини қоплаган. Эски сандиқ остидан ойисининг ёғоч тароғини топиб, сочини ҳафсала билан тарай бошлади. Аммо харчанд уринмасин, сочи тароққа бўйсунмасди. Қахрамон жаҳли чиқиб, тарокни эшикка қарсиллатиб урди. Остонада мудраб ётган қора мушук чўчиб айвонга қочди.

Ҳарбийдан қайтган Фозил тоғасининг ялтирок, сип-силлик, чиройли сочларига Қахрамоннинг жудаям ҳаваси келганди. Шундан буён у ёлғиз қолди дегунча ойнага тикилади. Сочини дурустрок ўстириб, тумандаги катта сартарошхонада соч қўйдиришни кўнглига тугиб қўйди. Маҳалладаги Ҳақим устага ишониб бўлмайди. Сўраб ўтирмасданоқ устарада бошни тап-такир қилиб қўяди. Мабодо бола соч қўйиб қўясиз, дея хархаша қилса, пешонада товукнинг патидек бир тутам соч қолдиради. Шубҳасиз, бунақа соч энди Қахрамонни мутлақо қониқтирмайди. У аллақачон туман марказидаги сартарошхонага бориб, соч қўйдириб оларди-ю бобосини ўйлаб шаштидан қайтарди. Негадир шапка кийган, соч қўйганларни бобосининг жини суймайди. Отаси билан ойиси ҳам шубҳасиз бобонинг раёйига қарашади.

Хуллас, ўша-ўша Қахрамон Фозил тоғасининг сочини кўрди-ю истаги қатъийлашди. Дарвоқе, энди у кичкина эмас, икки йилдан буён «катта мактаб»га катнаётди. Қишлоқларидан икки чақирим наридаги тўрт қаватли ўн йиллик мактабни болалар шундай

дейишарди.

Эртаси куни Қахрамон дарсдан чиқиб, ёлтоғасини ёнидаги сартарошхонага йўл олди. Одатича, этикдўзининг дўкони ёнидан ўтаётди, ичкарига аста мўралади. Парда тутилган деразадан бемалол ўз аксини томоша қилиш мумкин эди. Қахрамон ойнадан афт-ангорини кўраркан, ўзича мамнун бўлиб, сочини, сўнг иягини силаб қўйди.

У сартарошхонага бироз ҳадиксираб кириб борди. Атир ва совун хиди димоғига урилди. Фақат битта сартарош ишлаётганиданми, мижозлар анча

боксми, молодёжнийми — қанақаси керак сенга?

Қахрамон шундай муҳим нарсани сўраб, билиб олмаганига афсусланди.

— Фозил тоғамникидака бўлсин! — Қахрамон қидирган нарсасини топгандек, беихтиёр шундай деб юборди.

— Ҳе, Фозил тоғангни қара-ю?! Хў-ўв бола, кўп бошимни қотирма! Гашимга тегаверсанг, ҳозир хайдаб соламан. Муштдек бошинг билан олифтагарчиликни ким қўйибди сенга? Елкадан соч қўйиб юришингга ҳали беш-олти қовун пишиғи бор.

Шодмон ОТАБЕК



тўпланиб қолибди. Қахрамон тортини-кимтини, навбатда турди. Тепакал, нақ лунжигача гажак қўйган, бурни япаски сартарош унга бир қараб қўйди. Устанинги ишини кузатаркан, Қахрамоннинг юраги сикилиб кетди. Назарида сартарош бир жойда туриб югураётган одамга ўхшарди: «Қизик, соқол тугул бир дона тук қолмаса ҳам қиртишлайвераркан-да. Мабодо ўтирган одамнинг қитиғи келса нима бўларкан?»

Нихоят, Қахрамоннинг навбати келди. У нозик бир нарсани босиб олишдан чўчиётгандек секин бориб юмшоқ ўриндикка чўкди. Сартарош Қахрамонга ёвқараш қилди:

— Хўш, нима хизмат?

— Анақа, ҳалиги... соч қўйиб қўйинг.

— Қанақа?

Қахрамон нима дейишни билмай, жавдираб тураверди.

— Шунақа-да, ўзинг билмайсану қанақалигини, тағин туяга ўхшаб ҳаммомни ҳавас қиласан. Полубоксми,

— Майли, боланинг ҳам сазаси ўлмасин, уста, — навбатда турган мижозлардан бири салмоқли лужма ташлади. Сартарош Қахрамоннинг бўйинини қирлиниб кетган чойшаб билан боғлади.

Рўпарадаги тошойна баландрок бўлгани учун Қахрамон ўзини кўролмади, дарди ичида ўтирарди. Шу тобда сочини бирам кўргиси келдики... Қанақа бўларкан? Ўзиям катта одамга ўхшаб қолса керак. Фозил тоғасининг сочига ўхшармикан? Эҳтимол, ундан ҳам чиройлироқ бўлар. Кўрганлар ҳавас қилар. Ўзиям ҳар куни ироқи совунда ювиб, тарайди-да. Дарвоқе, ойиси нима дер экан? Олдинига бироз койиши мумкин. Аммо сочининг ўғлига нақадар ярашганини кўрса, меҳри товлиниб, йиғиб кетар-ов. Балки, «Тоғасига ўхшаб соч қўйган боламдан ўргулай», дея суйиб, эркалар. Майли, эркаламаса ҳам ишқиланг уришмаса, кичкиналигида ухлаётганда қайчида «чалабош» қилиб қўймаса бўлди.

Сартарош чойшабини йиғштириб олди-да, сочни қоқмасданоқ чойшабининг бир учи билан бўйнидаги қилларни тозалалаб, пуфлаб қўйди. Қахрамон чап кўлида маҳкам сикимлаб олган пулни секин узатди. Сартарош негадир пулни санамай, қутига ташлади ва навбатдаги мижозни чақирди.

Қахрамон шобиш қуттиш хонасидаги ойна қаршисига борди. Сочини кўриб, анграйиб қолди. Бу қанақа соч бўлди? Фозил тоғасиникигайам, Ҳақим уста қўядиган сочга ҳам ўхшайди-ку?! Устаси тушмагур бошининг ўртасида бир

Ҳарбийдан қайтган Фозил тоғасининг ялтирок, сип-силлик, чиройли сочларига Қахрамоннинг жудаям ҳаваси келганди. Шундан буён у ёлғиз қолди дегунча ойнага тикилади. Ўша-ўша Қахрамон Фозил тоғасининг сочини кўрди-ю истаги қатъийлашди.

ИККИ ХИЛ ОҒРИК

Ҳаёт ҳар қанча қийин ва оғир бўлмасин, яхши кўрган кишимиз билан ёнма-ён яшасак, у ширин туюлиб қолади.

Ким сени хатокор ҳолда кўришни истаса, кўзи кўрмайдиган ожиз киши бўлса ҳам, сени хатокор кўраверади. Шундай экан, одамларнинг ҳаммасини рози қилиш билан машғул бўлма!

Баъзи кимсалар поклик, ахлоқ, яхшилик ҳақида ишонч билан гапиришади. Аммо ўзлари нифоққа қўл уришади, жирканчликнинг юқори чўққисини қилишади.

Фақир киши чин ошиқ бўлади. Чунки, унинг қалбидан бошқа берадиган нарсаси бўлмайди.

Кўпчилик қурбонлик деган нарсани билади. Лекин шундай шахслар борки, сен учун ўзини қурбон қилади. Яна шундай шахслар борки, бирор манфати учун сени қурбон қилади.

Баъзилар ўзининг заковати билан муваффақиятга эришади. Баъзилар эса, бошқаларнинг аҳмоқлиги эвазига муваффақиятга эришади.

Икки хил оғрик-изтироб бор: сенга озор берадиган оғрик ва сени ўзгартирадиган оғрик.

Қалблар кўп. Атрофимизда қалблар ҳар қанча кўпаймасин, онанинг қалбидек қалб йўқ!

Танишлар уч хил бўлади: овқатга ўх-

шаган танишинг, унга ҳар вақт мухтож бўласан; дорига ўхшаган танишинг, унга гоҳида мухтож бўласан; касалликка ўхшаган танишинг, унга ҳеч қачон мухтож бўлмайсан.

Бошқаларни кузатиш, уларнинг хатоларини овлаш билан мушғул бўладиган кимсаларда ўзлариданги касалликни кўргани, ўз нафсларини муолажа қилгани вақтлари бўлмайди.

Одамларнинг баъзилари йигирма беш ёшларида вафот этади ва етмиш беш ёшларида дафн қилинади.

Одамлар билан бўладиган муомалаларда бошдаги гап-сўзларга ишонма! Гапларнинг рости охириги лаҳзаларда айтилади.

Барча нарса кичик ҳолда бошланиб, кейин катталашади. Аммо маҳзуник ундай эмас. У катта ҳолда бошланиб, кейин кичиради. Кичирайиб-кичирайиб, охири унутилабзади. Ушбу маълумотни эсга олиш мусибатни енгиллаштиради.

Ким тилига эғалик қилолмаса, надомат чекади. Ким тортишувни кўпайтирса, сўқилади. Ким ёмон кимсага шерик бўлса, (унинг ёмонлигидан) саломат бўлмайди. Ким солиҳ кишига шерик бўлса, ўлжага, ғаниматга эришади.

Нозимжон ҲОШИМЖОН
тўплаб, таржима қилган

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ОРАЛАБ...

Салоҳиддин Норқобилов
45 мин.

Енгил юк тош босмайди

Адашмасам, 2017 йилнинг ёз ойлари эди. Вилоят ҳокимлиги биносига кираётган эдим, бир одам «Бир минутга...» дея яқинлашиб кела бошлади. Камтар, камсуқим инсонлиги кўришиб турибди. Кўришиб-сўрашганимиздан сўнг:

– Укажон, шу ерда ишлайсизми, – деди вилоят ҳокимлигига ишора қилиб.
– Ҳа, нима хизмат акажон, – дедим.
– Жаркўрғон туманидан келдим. Менинг иккита уйим бор. Шунинг биттасини бирор уйга муҳтож одамга бермоқчиман. Агар сизларда ҳақиқатан ҳам қийналган, ногирон одамнинг манзили бўлса, менга берсангизлар. Уйни бирдан номига ўтказиб бераман, – деди.
Сўнгра яна:

– Лекин битта илтимосим бор: уйимни бераётганимни телевизорда, интернетда кўрсатиш шарт эмас. Менгаям, ҳалиги уйни олаётганга ҳам нуқулай бўлмасин. Мен минг марта розиман. Уша одам уйимдан барака топиб, бола-чақаси билан яхши яшаб юрса бўлди, – деди...

Багрикент, саховатпеша бу инсоннинг айтган ҳамма гапини вилоят ҳокимлигида масъул кишига етказдим. Боғланиш телефон рақамларини бердим.

Эшитишимча, шундан сўнг у одам уйини бир серфарзанд ногирон одамга берибди. Аммо, телевизорда ҳам, интернетда ҳам кўрмадим...

Гоҳида айрим одамларнинг арзimas, ҳатто айтишга, бировга кўрсатишга уялагидан нарсаларини кўз-кўз қилиб, ижтимоий тармоққа жойлаётганини кўрсам, жаркўрғонлик аканинг гапи ёдимга тушиб кетади...

Салоҳиддин НОРҚОБИЛОВ

G'olib Hasanov
64.

Улғайибмизми...

Бир вақтлар «Зарафшон» газетасида бирга ишлаган, ҳозирда бошқа идораларда меҳнат қилаётган кадрдонларимиз билан учрашдик. Бир-биримиз билан учрашиб, хол-аҳвол сўрашиб турсак-да анча вақтдан буён бундай давра килмагандик. Ҳаммамиз ўзимиз билан, ўз ишимиз, ташвишларимиз билан оворамизми, тез-тез учрашиб туришга вақт топмаймиз. Вақт топшимиз мумкиндир, лекин хафсала килмаймиз.

Авваллари бундай учрашувларимизда асосан бирга ишлаган даврларимиз билан боғлиқ хотираларни тилга олардик. Ёки ҳар ким ўз иши, муаммоларидан сўзларди. Аслида бу ҳам керак, бир-биримизга кўмак, ҳеч бўлмаганда, маслаҳат беришга ҳаракат қиламиз.

Кечаги учрашувимизда эса фақат болаларимиз таълим-тарбияси, ўқиши ҳақида гаплашдик. Бизга ота-онамиз қандай тарбия бергани, ибрат бўлганини эсладик. Ва бугун ўзимиз фарзандларимизга қандай оталик қилаётганимизни ўйладик. Улғаяймиз шекли...

Ғолиб ХАСАНОВ

ИНТЕЛЛЕКТ

Учтадан биттаси

Шоҳ вазирга «Менга нок олма анор келтир» деб буюрибди. Зукко вазир битта мева келтирибди.

Диққат савол: вазир қандай мева келтирган?

Жавоблар келгуси ҳафтанинг сешанба кuni соат 15:00 гача қабул қилинади.

Электрон манзил: info@od-press.uz

Телефон: 0 (371) 234-91-82

Telegram: (+99897) 444-80-84

Газетамизнинг 40-сонида берилган саволнинг жавоби: вафот этган бемор билан бирга уни даволаётган шифокор қатл қилинган.

ТАБАССУМ



ЧАПАНИ ҲАНГОМАЛАР

Бахтиёр ОЛЛОМУРОД

Бировларнинг кайфига қоровул эмас...

– Ростдан ҳам сизлар томоннинг одамлари дал-дангалчи, – дея олис хотираларини ҳикоя қилади устоз ҳамкасбимиз Ёкубжон Хўжамбердиев...

1982 йил. У даврларда аноним хатлар ҳам текширилар, тасдиғини топса, таникли амалдорларга ҳам чора кўриларди. Тахририятдан мени Гагарин (Музробот) туманидаги машхур «Шоликор» совхозни директорининг устидан тушган имзосиз хатни ўрганишга юборишганди. Хўжаликнинг давлат олдидаги режалари зиёди билан бажарилар, минглаб ишчи-хизматчилари моянаю мукофотларини бекаму кўст олиб келишаркан. Ўнлаб одамлар билан суҳбатлашдим, ҳаммалари раҳбарларидан рози, мамнун. Имзосиз хатдаги яна бир нозик сир – «раҳбар қўл остида ишлайдиган кўшликна жуовн билан дон олишиб юрармиш» деган гап очилмай қолаётган эди. Аммо, буни кимдан, қандай сўраб-суриштириш мумкин? Ўйлай-ўйлай охири, насос станцияси қоровули бўлмиш бир туркман чолдан сўрайдиган бўлдим. Ким билсин, балки у хўжалик раҳбарини Амударёнинг қилват соҳилларида бирортаси билан сув сачратишиб, қувлашиб юрганини кўриб қолгандир. Туркманларга

дал-дангал сифатини бежиз беришмаган экан. Қоровул чолнинг жавоби ҳам шунга муносиб бўлди:

– Мен кимнидир кайфу газагига эмас, манави моторга қоровулман!

Ҳа, ўшанда «нозик мавзу»даги саволимга шундай бошлаб жавоб олган эканманки, эсласам ҳозир ҳам кизариб кетаман. Ва ўз-ўзимга шундай савол бераман: «Амударёнинг тўқайли соҳилида қапа тикиб ётган бир бесавод чолки, бировларнинг кайфу газагига қоровул эмаслигини англаб етган экан, унда бир мишмишли имзосиз хат изидан борган мен ва мени саккиз юз километр олисга сафарбар қилганлар ким деган одам бўлдики энди?..»

«Арабали Гарангали ўғли...»

Тўксонинчи йиллар. Ҳаммаёқда эгасизлик ҳукм сурар, халқнинг тирикчилиги ҳам шунга яраша эди. Шифохонларда дори тақчил, «Тез ёрдам» қақирсангиз, етиб бориш учун ёқили сўрашарди. Шундай шароитда хотинини тўлқок тутган бир аравақаш йигит чорасизликдан бир чора қўллади. Катта аравақаша қамиш тўшаб, ўшанда хотинини туғруқхонага олиб жўнади. Бирок, чақалок манзилга етмай тўғилди. Унга қайнонаси доялик қилди. Киндигини ўроқ билан кесиб, дори ўрнига даланинг шўр тупроғидан

сепди. Қолган ишни шифокорлар бажаришди. Келинга қон қуйиб, чақалокни барокамерага олишди. Турли инфекцияларга қарши шошилч чоралар кўрилди. Туғруқчи дўхтир чақалокнинг отасини еб қўйгудек бўлиб тергай бошлади.

– Қайси аҳмоқ тўлқокдаги хотини шундай жазимада темир аравада касалхонага олиб келади?

– Уришманг опа, бошқа нима иложим бор эди...

– Исминг ким, ўзи нима иш қиласан?

– Исмин Сапарали. Бозорда арава сураман.

– Тушунарли. Ҳомиладор хотинни ҳам бир қоп картошка деб билисан-да...

– Ҳа энди, бўлар иш бўлди, уришаверманг опа. Ундан кўра маслаҳат беринг, онам билан битта масалада келишолмаяпмиз.

– Нима масалада?

– Онам киндигини ўроқ билан кесгани учун «Ўғлингнинг отини ўроқ кўямиз» деб туриб олганлар. Мен эса, Арабали қўйсам дейман, бу ерга аравада олиб келдик-ку, тўғрим?

– Менга қолса, биринчи ўз исмингди ўзгартир, масалан, Сапарали эмас, Гарангали деб. Шунда бу беғуноқ боланинг исми узукка кўз қўйгандай бўлади: Арабали Гарангали ўғли!..»

ПАЗАНДАЛИК

ПИШИРИҚЛАР УЧУН ЭНГ ЯХШИ КРЕМЛАР

Заварной крем

Таркиби: 500 мл. сут, 200 гр. шакар, 1 чойқошиқ ванилин, 4 дона тухум сариғи, 50 гр. ун, 10 гр. сариёғ.

Тайёрланиши:

Тухум сариғига шакар ва ун солиб, яхшилаб аралаштирилади. Аралашмага иссиқ сут солиб, паст оловда қайнатилади. Тўхтовсиз қовлаб турилади. Қуйилиб крем ҳолига келгунча қайнатилади. Оловдан олиб сариёғ ва ванилин қўшилади. Крем юзи полиэтлен пакет билан ёпиб совутилади.

Эклер учун крем

Таркиби: 2 дона тухум, 1 стакан шакар, 1 чойқошиқ ваниль шакари, 1,5 стакан сут, 2 чой қошиқ эритилган сариёғ, 2 чой қошиқ ун.

Тайёрланиши:

Тухум ва ун яхшилаб аралаштирилади. Сутга шакар солиб қайнатилади, сут тухумли массага оз-оздан солиб аралаштирилади. Аралашма паст оловга қўйилади (қайнаб кетмаслиги керак). Кейин ваниль ва сариёғ солинади. Крем совуқ сувли ваннага қўйиб, зудлик билан совутилади.

OILA
DAVRASIDA
Ijtimoiy-ijtimoiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» газетаси тахририяти масъулияти чекланган жамияти

Бош мухаррир
Хусниддин БЕРДИЕВ

МУАССИСЛАР:

Фукараларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши;
Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабан»; «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази.
Газета тахририят компьютерида терилди ва сақланган.
Газетада интернет материаллари ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрельда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарқ» нашриёт-маънавий акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўроқ кўчаси, 41.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Шавкат Жавлонов, Қудратилла Рафиқов, Коммуна Ирисбекова, Дилором Тошмухамедова, Ином Мажидов, Элмира Боситқонова, Алишер Саъдуллаев, Мизроб Бўронов, Муродулло Холмухамедов, Мухаммаджон Қуроно

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Буортма: Г-1037
ISSN 2181-6190 Обуна индекси – 193
Алади: 2 865 нуска.

Нархи: келишув асосида.
Қопчи бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилган.
Чоп этишга топширилди: 19:00

ISSN 2181-6190



12 14 56